

Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th August, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИ ВА АМАЛИЁТИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Хайруллаев Хўжамир Аъзамхўжаевич

Осиё халқаро университети Педагогика ва
психология мутахассислиги 1 курс магистранти

Авваламбор, методологиянинг ўзи ҳақида икки оғиз сўз. Методология – бу маълум бир назарий ёхуд амалий фаолиятни ташкил қилиш ва амалга ошириш услублари ҳамда тамойиллари системасидир.

Илмий тадқиқот методологияси ҳақида фикр юритар экан, Г.М. Андреева методологиянинг уч хил моҳиятига алоҳида эътибор беради:

- 1) умумий методология – ўзига хос умумфалсафий муносабат, дунёни билишнинг умумий йўли;
- 2) хусусий ёки махсус методология – тадқиқотларда қўллашимиз зарур бўлган методологик тамойиллар тўплами;
- 3) конкрет методология – тадқиқотларнинг конкрет методик услублари тўплами. Биз қуйида методологиянинг уч томонидан иккинчисига алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Маълумки, илмий тадқиқот учун танлаб олган методикаларимиз ҳар қанча пухта ва тўғри бўлмасин, илмий билишнинг методологик тамойиллари нотўғри бўлса, тадқиқотларимизнинг сўнгги натижаси нотўғри бўлади. Бунга мисоллар сероб. Масалан, фанда синфийлик ва партиявийлик ўлчовларига мос тушмаган қанчадан-қанча кашфиётлар йўқ қилинди. Қисқасини айтганда, биз турмушимизнинг ҳамма жабҳаларига шу тамойиллар призмаси орқали қарашимиз, қарор қабул қилишимиз, қарорларни ҳаётга татбиқ этишимиз зарур эди. Шундай қилиб, орадан йиллар ўтди, бир неча авлодлар алмашилиб кетди. Шунда методологик нуқтаи назардан энгдаҳшатли воқеа содир бўлди, яъни мана шу муддат давомида **марксча-ленинча методология тафаккур тарзимизга айланиб кетди**. Бу нима дегани? Бу шу деганики, биз бирорта илмий муаммони ҳал қилар эканмиз, беихтиёр ўзимиз англамаган ҳолда марксча-ленинча тафаккур қиламиз, фикр юритамиз. Аниқроғи, фикр юритишимизнинг ўзи марксча-ленинча мантиққа таянади. Марксча-ленинча тафаккур услуби маълум бир илмий фактни идрок қилишимиздан тортиб, муаммоларни таҳлил қилишимизгача ва олинган натижаларни



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th August, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

тушунтиришимизгача қўлланилади. Бизни нотўғри йўлга бошлайди ва оқибатдаясаган илмий хулосаларимиз воқелиқдан, ҳақиқатдан узоқ бўлади.

Дарҳақиқат, психик ҳодисаларни тадқиқ қилишнинг ўзига хос қийинчиликлари мавжуд. Бу қийинчиликларни ҳисобга олмасдан туриб, пси-хология фанининг методологик тамойилларини ишлаб чиқиш қийин. Бу қийинчиликлардан биринчиси шундаки, психология фани тадқиқот объектнинг субъектив кўринишдалигидир, яъни руҳий-маънавий ҳодисаларни ўрганиш услублари ҳам моддий ҳодисаларни ўрганиш услубидан фарқ қилмоғи керак.

Психик ҳодисаларни тадқиқ қилишнинг иккинчи қийинчилиги тадқиқот орқали олинган натажа-ларни таҳлил қилишнинг субъективлигидир.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилса бўладики, психология фанини ўрганишнинг махсус методологик тамойилларини ишлаб чиқмоқ зарур.

Бундай методологик тамойилларнинг бир қанчаси ишлаб чиқилган ҳам.

Келинг, психик ҳодисаларни илмий тадқиқ қи-лишнинг умумий тамойиллари ҳақида шу фаннинг етакчи олимлари қандай фикрлар билдирганлигини кузатайлик. Б.Г. Ананьев шундай деб ёзади: «Ҳозирги замон психологияси

илмий аппаратининг методологик таҳлили нафақат барча психологик фанлар учун умумий бўлган методларни, балки маълум бир психологик фан соҳасида

фаолият кўрсатадиган хусусий методларни ҳам ўз ичига қамраб олмоғи лозим». Б.Г. Ананьевнинг бу фикрла-ри методологиянинг учинчи кўриниши –

конкрет методологияга бориб тақалади ва ҳозирги замон психологияси учун муҳим фикрлар яшириниб ётибди. Шу фикрларни ёритишга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, психология фанида, худди бошқа фанлардаги сингари, интеграция ва дифференциация жараёнлари содир бўлаяпти, яъни психология фанининг

янгидан-янги тармоқлари ажралиб чиқмоқда, шаклланмоқда. Мана шу янги фан соҳалари учун махсус методлар ишлаб чиқариш ҳам методологиянинг

вазифаси ҳисобланади.

Шу ўринда озгина ортга қайтамиз. Маълумки, биз 70 йил давомида атеизм ва яланғоч материализм даврида яшадик. Ҳаётимизда учрайдиган барча ғайритабiiй ва ғайриодатiiй ҳодисалардан кўз юмиб яшадик. Бу ҳақда биз

гапиришимиз ҳам мумкин эмас эди. Биз «онг бирламчими ёки материя» деган аҳмоқона дилеммадан фақат биттасини танлашимиз зарур бўлган, илмий тафаккур шу чегарагача сиқиб борилган даврни бошимиздан кечирдик.

Мустақиллик насимлари бизнинг руҳий дарвозаларимизни очиб юборди.



E- Conference Series

Open Access | Peer Reviewed | Conference Proceedings



E- CONFERENCE SERIES

Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th August, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

Натижада бугунги кунга келиб, одамлар шу пайтгача дилларида тугиб келган гапларини айтиш имконияти пайдо бўлди. Шу пайтгача реал факт бўлган, аммо илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш идеализмга оғиш деб ҳисобланган ғайритабиий ҳодисалар ҳақида баралла айтила бошланди. (Аслида ғайритабиий ҳодиса дейишнинг ўзи мантиқан нотўғри фикр. Чунки ҳар қандай реалсодир бўлган факт – бу табиийдир. Ғайритабиийлик бу ўринда нисбатан қабул қилинган, яъни инсоният тафаккурининг бугунги даражаси учун ғайритабиий, холос.) Ғайритабиий ҳодисаларнинг аксарияти психология фанининг янги тармоғи бўлган парапсихологияга тааллуқлидир.

Юқоридаги ҳолат иккита муҳим хулосани ясаши-миз учун туртки беради. Биринчиси, Б.Г. Ананьев айтган психология фанининг умумий томонини камраб олса, иккинчиси унинг хусусий томонини ёритади.

Шундай қилиб, биринчи фикрни ўртага ташлаймиз. Маълумки, психикани биз диалектик материализм (марксча кўринишида) нуқтаи назаридан юксак тараққий қилган материянинг сифати, бош мианинг функцияси, ташқи дунёнинг системали акс этиши деб тушунтириб келдик. Аммо кейинги пайтларда инсон руҳиятида содир бўлаётган баъзи ғайритабиий ҳодисалар, одамлар орасида кузатилаётган ғайриодатий ҳодисалар – буларнинг ҳаммаси психиканинг биз тушунган материалистик қолипига сиғмай қолапти. Бундай ҳолат одатда фаннинг ривожланишига тўсиқ бўлиб қолади. Бошқача айтганда, юқоридаги ҳодисалар ўзларининг илмий жиҳатдан изоҳланишини кутиб турибди. Фан олдида пайдо бўлган бу муаммони ҳал қилишнинг йўли иккита. Биринчиси ҳақида таниқли Канада олими Ж. Годфруа шундай деб ёзади: «Баъзи фактларнинг (бу ерда экстрасенсор фактлар ҳақида гап кетаяпти – Х. А.) реаллиги ҳақиқатдан ҳам исботланган бўлса, унда ҳали катта методологик тўсиқлар мавжудки, бу тўсиқлар, масалан, лаборатория шароитида кундалик ҳаётимизда содир бўлаётган ҳодисаларни назорат остига олишимизга ҳалақит берапти». Ж. Годфруанинг фикрига қўшимча қилиб яна шуни айтишимиз мумкинки, инсон руҳиятида, унинг психикасида ҳали фан учун номаълум бўлган, аммо кундалик ҳаётимизда содир бўлаётган шундай ҳодисалар кузатилаяптики, уларни қўлимизда мавжуд бўлган методологик тамойиллар ва усуллар ёрдамида изоҳлаб бериш қийин бўлаяпти. Демак, юқорида айтилган муаммони ҳал қилишнинг биринчи йўли, Ж. Годфруа айтгандек, методологик тўсиқларни олиб ташлаш керак. Аниқроғи, махсус методологик тамойиллар ишлаб чиқиш пайти етиб келди.



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th August, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

Муаммони ҳал қилишнинг иккинчи йўли – психика тўғрисидаги шу пайтгача мавжуд бўлган қарашларимизни қайтадан кўриб чиқишимиз билан боғлиқ. Бошқача айтганда, психика онтогенетик тараққиёт босқичларини бошидан кечирганидек, у ўзининг филогенетик тараққиёт босқичини ҳам бошидан кечириши табиий. Шунинг учун психика тараққиётининг бугунги филогенетик босқичида инсон рухиятини фақатгина бош миянинг (моддий субстратнинг) функцияси деб эмас, балки қанақадир номоддий субстратнинг ҳам функцияси деб тушунтириш ўринли бўлар. Психика бугунга келиб фақатгина моддий дунёнинггина эмас, балки қандайдир номоддий дунёнинг ҳам (инсоний ўлчамлар нуқтаи назари бўйича номоддий) инъикосидир. Демак, психика нафақат юксак тараққий қилган материянинг, балки қандайдир юксак тараққий қилган рухнинг (бу ерда ҳам «материя» ва «рух» тушунчалари инсоний ўлчамларда қаралапти) ҳам сифатидир.

Тасаввуф аҳлининг қарашларига кўра, психика билан руҳни бирлаштириб бўлмайди. Ёки руҳни ҳам психиканинг ичига киритиб бўлмайди. Улар ҳар хил нарсалар. Психика бош миянинг функцияси ҳисобланади. Рух эса Аллоҳнинг инояти. Психика бош мия ўз фаолиятини бошлагандагина юзага чиқади ва бош мия ўз фаолиятини тўхтатганда психик жараёнлар ҳам сўнади. Рух эса илоҳий келиб чиқишга эга. У ғайб олаmidан келади ва тана жисмоний жиҳатдан ўз фаолиятини тугатгандан сўнг ҳам яшайди.

Юқоридаги фикрларнинг барчаси «материя бирламчими ёки онг?» деган тарихий дилеммага бориб тақалади. Инсоният илмининг бугунги натижалари масаланинг бундай кескин контраст кўринишида қўйилишининг ўзи мантиқан нотўғри эканлигини исботлай бошлади. Чунки материя ва онг бир-бирига қарама-қарши қўйиладиган тушунчалар эмас, балки бири бирини тўлдирадиган тушунчалардир. Рухонийлик моддийлик тараққиётининг маълум босқичида пайдо бўлади, дейиш, инсон маймундан келиб чиққан, деганчалик тахминий фикр. Шунинг учун бир пайтлар марксча-ленинча фалсафа «материя бирламчими ёки рух бирламчими?» деб олимларни кескин икки табақага ажратадиган умумметодологик тамойилдан воз кечиб, материя ва рух муносабатлари ҳақидаги ҳозирги замон фани билимларидан келиб чиқиб, илмий тадқиқотларга ёндошилса, балки юқоридагимуаммо ўз ечимини топар.

Шундай қилиб, биз психология фанининг умумий томонини қамраб оладиган масалани кўриб чиқдик. Бу умумметодологик ва махсус методологик



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th August, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

тамойилларга бориб тақалади, яъни методологик тамойилларни турли-туман мафкуравий аралашмалардан тозалашимиз, ҳозирги замон фанининг сўнгги натижаларидан келиб чиққан ҳолда янги методологик тамойилларини ишлаб чиқишимиз зарур. Фақат шундагина психология, Б.Г. Ананьев таъкидлаганидек, ўзининг хусусий ҳаётини тўғри қура олади. Бошқача айтганда, умумметодологик ва махсус методологик тамойилларга таянган ҳолда конкрет методлар яратиш мумкин бўлади.

Психология фанида шундай масалалар борки, у бевосита дунёқараш билан боғлиқ. Масалан, ёш давлари масаласи. Маълумки, инсоннинг туғилгандан то ўлгунгача бўлган ҳаёт йўли қатъий аниқланган филогенетик дастурга асосланади. Бошқача айтган-да, болалик, ўсмирлик, ёшлик, етуклик, кексалик каби ёш босқичларининг тартиби ҳали инсон дунёга келмасдан туриб, олдиндан дастурлаштирилган. Мана шу олдиндан дастурлаштирилганлик, умр «нарвони»нинг пиллапоялари олдиндан ҳар қандай одам учун мустабид ҳолда аниқланганлиги бизни беихтиёр диний мулоҳазаларга ундайди. Ёки ким томонидан олдиндан дастурлаштирилган деган табиий савол туғилади. Аниқроқ қилиб айтганда, дунёнинг Яратувчиси ҳақидаги фикрларни чақиради.

Ёш босқичларининг олдиндан аниқланганлиги ҳодисасининг ўзиёқ олимларни фанда атеизмга асосланган методологик тамойилларни қайтадан кўриб чиқишга ундайди. Бу эса ўз ўрнида дунёқараш, эътиқод, маслак деган тушунчаларни қамраб олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизий. Манозил ул-ибод мин ал-ибода. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2003. – 52-б.
2. Абдулқодир Жийлоний (Ғавсул Аъзам). Раббонийликни англаш ва Раҳмонийфайзни қозониш. Иккинчи китоб. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2006. – 127-б.
3. Абу Ҳомид Ғаззолий. Тафаккур китоби. – Т.: “Тошкент Ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. – 79-б.
4. Акрам Ботирхон. Ҳазрати Нақшбанд ва Навоий / “Ғойиблар хайлидан ёнганчироқлар” китобида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1994. – 335-б.
5. Ҳаким Термизий. Нодир масалалар. – Т.: “Мо-вароуннаҳр”, 2007. – 86-б.
6. Андреева Г.М. Социальная психология. – М.: Изд-во МГУ, 1980. – С. 416.



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th August, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

7. Годфруа Дж. Что такое психология: В 2-х т. Т.1: Пер. с франц. – М.: Мир, 1992. – С. 376.
8. Гольдцигер И. Ислом ҳақида маърузалар. Тарж.: О. Шарафиддинов. – Т.: “Академия”, 2001. – 46.
9. Джовад Нурбахш. Психология суфизма (Дел ва нафс: сердце и душа). Пер. сангл. Л.М. Тираспольского. – М. 1998. – С. 176.
10. Дин психологияси: ўқув қўлланма. /Б. Валиев ва бошқ. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2014. – 312-б.



E- Conference Series

Open Access | Peer Reviewed | Conference Proceedings



E- CONFERENCE
SERIES